

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Энергетика вазири



Ж. Мирзамахмудов

2023 йил “ 10 ” апрель

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппаратида мавжуд
вакант лавозимларига ишга қабул қилиш бўйича танлов комиссиясининг
12 - сон баёни**

2023 йил “ 10 ” апрель

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: Ж. Мирзамахмудов – Энергетика вазири, Танлов
комиссияси раиси

Қатнашганлар: Вазир ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
вакили, Танлов комиссияси аъзолари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппаратида мавжуд
вакант лавозимлари учун эълон қилинган танловларнинг суҳбат босқичини
ўтказиш тўғрисида**

(Мирзамахмудов, Ахмедхаджаев, Жуманазаров, Файзиев, Исанбеков, Мирзамахмудов)

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик) билан келишган ҳолда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппарати ва ташкилий тузилмасидаги ташкилотларда мавжуд вакант лавозимларига ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказиш тартиби” (кейинги ўринларда - Тартиб) талабларидан келиб чиқиб вазирлик марказий аппаратидаги мавжуд Геология, нефть-газни қазиб чиқариш бошқармаси етакчи мутахассиси, Марказий диспетчерлик бошқармаси бош мутахассиси, Матбуот хизмати бошлиғи, Ҳуқуқий таъминот бошқармаси бошлиғи вакант лавозимларига ишга қабул қилиш учун Агентликнинг <https://vacancy.argos.uz/> платформаси орқали танлов эълон қилинган эди.

Мазкур лавозимларга номзодлар томонидан жами 282 та мурожаат келиб тушган.

Танловнинг 1-босқичи бўйича номзодларнинг ўрнатилган малака талабларига мослиги текширилди, шундан сўнг, муваффақиятли ўтган номзодлар танловнинг 2-босқичида Агентликда тест синовлари топширишди.

Танловнинг тест синовлари босқичидан мувафакқиятли ўтган жами 14 нафар номзод танловнинг суҳбат босқичига таклиф қилинди.

Танловнинг сўнгги - суҳбат босқичи Энергетика вазирлиги биносида очик мулоқот шаклида бўлиб ўтди.

Суҳбат босқичида Танлов комиссияси аъзолари томонидан номзодга танлаган вакант лавозими фаолияти билан боғлиқ саволлар берилди. Шундан сўнг номзодларнинг жавоблари ўрнатилган тартибда баҳоланди.


Танлов комиссияси аъзоларининг тавсияларини кўриб чикиб, Танлов комиссияси **қарор қилади:**

1. Танлов комиссиясининг хулосасига кўра, Матбуот хизмати бошлиғи лавозимига **Тошходжаев Хасан Джавлянович** номзоди, Хуқуқий таъминот бошқармаси бошлиғи лавозимига **Файзиев Фаррухжон Нематиллаевич** номзоди, Марказий диспетчерлик бошқармаси бош мутахассиси лавозимига **Зайдуллоев Азимжон Асмандиёрович** номзоди, Геология, нефть-газни қазиб чиқариш бошқармаси етакчи мутахассиси лавозимига **Давиров Акмал Олимжонович** номзоди маъқуллансин ҳамда улар билан ўрнатилган тартибда меҳнат шартномаси тузиш тавсия этилсин.


2. Кадрлар билан ишлаш бошқармаси (З.Файзиев) номзодлар билан ўрнатилган тартибда меҳнат муносабатларига оид ҳужжатларни имзолаш ва лавозимга тайинлаш бўйича ишларни амалга оширсин.

3. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари А.И.Ахмедхаджаев зиммасига юклансин.


А.Ахмедхаджаев




З. Файзиев




А. Жуманазаров



Д. Исанбеков



А. Раупов



Х. Куйжанов

